

Рус Ва Ўзбек Тилларидаги Мурожаат Шакллари Ни Структур Таснифи

Гиёсова Василахон Авазхон қизи¹

Аннотация: Нутқ одобининг муҳим бирликларидан бири "мурожаат"дир, сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги, суҳбатдошлар ўртасидаги муносабатлар реестрини аниқлаш ва ўрнатиш воситаси сифатида коммуникатив жараёнда иштирок етувчи бирликдир. «Мурожаат» феноменининг турлича талқинлари мавжуд бўлиб, бу бирликни ҳар хил аспектдан кўриб чиқиш мумкин (грамматик, синтактик, стилистик). Ушбу мақолада мурожаат бирлиги коммуникатив бирлик сифатида.

Калит сузлар: мурожаат, бирликлар, апеллятив, апеллятивлик, рус синтаксиси, ўзбек тилшунослиги, рус тилшунослиги, умумбашарий, семантик, адресат, адресант.

Турли тилларда ифодаланган мурожаат шакллари нинг грамматик хусусиятлари бир-бирига яқин эканлигини ўзбек, рус, инглиз ва бошқа тилларда олиб борилган тадқиқотлардан ҳам кўриш мумкин². Рус тилшунослигида мурожаатни грамматик жиҳатдан тадқиқ қилишда турли хил қарашлар мавжуд. Жумладан, И.Н. Кручинина тилшуносларнинг мурожаатлар бўйича олиб борилган тадқиқотларидан келиб чиқиб, ушбу маълумотларни умумлаштиради ва мурожаатларнинг грамматик хусусиятини аниқлаштиради: "мурожаатлар грамматик жиҳатдан мустақил ва интонацион жиҳатдан ажралиб турадиган гап компоненти ҳамда нутқ қаратилаётган шахс ёки предметни билдирувчи мураккаб синтактик бугунлик"дир дея изоҳлайди. Мурожаат бирликлари тадқиқи бўйича олиб борилган ишларда таъкидлаб ўтилганидек, И.Н. Кручинина ҳам "мурожаат отнинг номинатив ҳолатида ёки унга эквивалент ҳар қандай сўз шаклидаги вокатив интонация билан ифодаланишини таъкидлайди"³.

Рус тилида ҳам мурожаат шакллари худди ўзбек тилидаги каби кўринишларга эга⁴. Рус тилида қўлланиладиган мурожаатлар ҳам структур жиҳатдан қуйидагича тасниф қилинишини кузатиш мумкин:

1) Бир сўз билан ифодаланган бош келишидаги номинатив сўз - яъни йиғиқ мурожаатлар;

Масалан:

рус.т.: *Лидочка, иди поешь-ка горячего пирога. -Дочка,ты меня прости.*

✓ *Ну, братишка, какой же большой ты стал.*

¹ ФарДУ

² Захарова В.Е. О функциях и структуре начального обращения в частных письмах А.П.Чехова // Языковое мастерство А.П.Чехова. Ростов, 1988. – С.110-115; Шаталова Л.И. Формы и функции обращений в современном русском языке. Автореф. дис. канд. филол. наук. Минск, 1979. - 24 с; Рыжова Л.П. Коммуникативные особенности обращения // Содержательные аспекты предложения и текста. - Калинин, 1983. Рыжова Л.П. Коммуникативные функции обращения // Семантика и прагматика синтаксических единств. - Калинин, 1981.; Рыжова Л.П. Обращение: нормы и правила потребления // Прагматика и семантика синтаксических единиц. - Калинин, 1984; Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория. – Тошкент: Фан, 1972; Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фанлари номзоди дисс. ... автореф. – Самарқанд, 1993; Рахматуллаева Б. Этикетные формы обращения и привлечения внимания в современном русском языке (в сопоставлении с узбекским): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1992; Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фанлари д-ри дисс. ... автореф. – Тошкент, 2000; Акбарова З. Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи: Филол. фанлари номзоди дисс. ... автореф. – Тошкент, 2007.

³ Кручинина И. Н. Обращение // Лингвистический энциклопедический словарь / под ред. В. Н. Ярцевой. М.: Советская энциклопедия, 1990. URL: <http://tapemark.narod.ru/les/340f.html>

⁴ Акбарова З.А. Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи: Филол. фанл. номз. ... дисс.. – Тошкент: 2007;

✓ *Дети, стоп! Нельзя бежать за машиной. - «Спасибо вам, ребята, за цветы». (Сўзлашув нутқидан)*

Рус тилида нуткий этикет қоидаларига кўра қўлланиладиган “*дети*” мурожаат бирлиги болалар билан бўладиган нуткий мулоқотда ўзаро таъсир этишга хизмат қилувчи ва уларнинг ижтимоий ҳамда ёш параметрларни ўзида акс эттириши билан, “*ребята*” мурожаат бирлигига нисбатан мактаб ёшидаги ва ундан катта болаларга нуткий мулоқот жараёнида фаол қўлланилади. “*Ребята*” мурожаат бирлигини эса болалар учун мўлжалланган журналларда ва оғзаки сўзлашув нуткида 5-7 ёшли болаларга нисбатан қўллаш кенг тарқалганлигини кўриш мумкин.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, рус тилида сўзлашувчилар мурожаат бирликларини нуткий этикет қоидаларига мос тарзда, мурожаат танловига таъсир қилувчи бир қатор омилларни ҳисобга олиб, коммуникатнинг ёши, ижтимоий статуси, адресант ва адресат ўртасидаги муносабатлар, қариндошлик муносабатлари, яқинлик даражаси билан боғлиқ бўлган психолингвистик, социолингвистик параметрларни назарда тутиб танлашга ҳаракат қиладилар.

Ўзбек тилида ҳам “болалар” мурожаат бирлиги умумшахс маъносини билдириб, сўзловчининг нутқи бевосита умумшахсга қаратилганда ишлатилади. Масалан:

Ўзб. т.: - *Болалар, мадомики ҳар галгидек синфимиз мактаб бўйича биринчиликни эгаллашини истар эканмиз, олдиндан режа тўзиб олишимиз ва шу режага биноан иш тутушимиз керак.*(Фарход Мусаёнов. Бўш келма, Алиқулов, 102).

Болаларга нисбатан қўлланиладиган йиғиқ мурожаат бирликларининг такрор қўлланилиши уларнинг яна бир ўзига хос жиҳати бўлиб, улар нутқда кўпроқ салбий ҳиссий ҳолатларни ифодалаб ва экспрессивликни оширишга хизмат қилади.

➤ *Болалар, болалар! Бир нас жим бўлинглар!*

Бундай мурожаат бирликларининг такрорланиши унинг содда ёки мураккаблигига боғлиқ эмас, яъни йиғиқ ва ёйиқ мурожаатлар ҳам уюшган ёки такрор тарзда қўлланилиши мумкин. Мурожаат бирликлари нутқда асосан тингловчи диққатини тортиш учун хизмат қилар экан, унда доим таъкид англашилиб туради, бу каби мурожаатлар такрор ёки уюшган ҳолларда янада кучлироқ интонация билан ифодаланади шу сабабли юқорида таъкидлаганимиздек, экспрессив-эмоционаллик даражаси ҳам ортади.

Шуни таъкидлаш керакки, ўзбек тилида болаларга нисбатан қўлланиладиган йиғиқ мурожаатлар норасмий мулоқотларда асосан қариндошлик терминлари билан ишлатилиши мумкин. Бундай мурожаат бирликлари ўзбек, рус ва бошқа тилларда ҳам болаларга нисбатан фаол қўлланилади.

Ўзб. т.: - *Ҳа, ўғлим, жуда ўтириб қолдингиз? Намоз тамом бўлди.* (Ғофур Ғулом. Шум бола қиссаси, 127).

✓ *Ҳали эрта-ку, бувижон, - дейман кўзимни очгим келмай.*

✓ *Намоз ўқиймиз тур, болам.* (Худойберди Тўхтабоев. Сарик девни миниб романи, 128).

Тезроқ улғай, жиян, – деди раис. Кейин илова қилди: –

Қани, қовунларни ортинглар! (4-синф Ўқиш китоби. 226)

Бир сўз билан ифодаланган йиғиқ мурожаатлар бош келишиқдаги от, олмошлар, баъзан эса отлашган сўзлар билан ифодаланиб гап таркибида гапга мазмунан боғланиб келади.

✓ *Она! -деб қолди бир маҳал Омон.*

✓ *Нима дейсан, шириним?* (Худойберди Тўхтабоев. Беш болали йигитча, 58).

Мазкур мисолда қўлланилган “*ширин*” сўзи аслида сифат бўлиб, бу ўринда отлашиб болага нисбатан йиғиқ мурожаат шаклида, кўчма маънода эркалаш маъносини ифодалаб келяпти. Бу мисолдаги “*шириним*” мурожаат бирлиги онанинг фарзандига мурожаатини билдиради. Яъни шахс тушунчасини ифодалайди.

“*Она*” мурожаат бирлиги эса ўзбек тилининг Тошкент шеvasида онага нисбатан қўлланилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. kizi Giyosova, V. A., & Sabirov, N. K. FAIRY TALES OF THE RUSSIAN AND UZBEK PEOPLES (COMPARATIVE APPROACH).
2. GIYOSOVA, V. (2019). Functioning of fairy-tale as one of the variety of folklore text in oral folk art. *Scientific journal of the Fergana State University*, 1(6), 124-126.
3. Авазовна, Г. В. (2021). Классификация сказок о животных по их структурносемантическому признаку. *Преподавание языка и литературы*, 1(8), 74-77.
4. Авазовна, Г. В. (2022). THE SOCIOLINGUISTIC NATURE OF THE ADDRESS. *EPRA International Journal of Research and Development (IJRD)*, 7(7), 81-86.